O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 28 январь, №19 (3293) Чоршанба


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## «Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида

Мамлакатимизда 2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши муносабати билан, жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган тоифа ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Меҳр ва мурувват йили" дастури тасдиқлансин.

Дастурда белгиланган чора-тадбирлар:

— давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг маблағ ва имкониятларини, корхона ва ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳомийлик ёрдамларини кам таъминланган оилалар, ногиронларни, боқувчисидан жудо бўлган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жалб этишга;

— жамият ҳаётининг асосий бўғини бўлган оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жумладан, янги иш ўринларини яратиш, аҳолига тиббий, савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича аниқ режаларни амалга оширишга;

— юртдошларимизни меҳрибонлик ва эзгулик руҳида тарбиялаш, замон талабларига жавоб берадиган қадимий анъана ва қадриятларимизни ҳаётимизга янада чуқурроқ сингдириш, бундай интилиш ва ҳаракатларни оммавий ахборот воситалари, жойлардаги маънавий-маърифий тадбирлар орқали кенг тарғиб қилишга йўналтирилгани маъқуллансин.

2. "Меҳр ва мурувват йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида, тегишли идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, "Меҳр ва мурувват йили" дастурининг бажарилишини муҳокама қилиб, зарур чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг бажарилиши натижалари тўғрисидаги таҳлилий маълумотни кейинги ойнинг 7-кунигача республика комиссиясига тақдим этсин.

4. Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига аҳоли ўртасида "Меҳр ва мурувват йили" дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 январь.

## Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2004 йил мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди ҳамда бу борадаги асосий мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Юртбошимиз Фармойиши билан тузилган «Меҳр ва мурувват йили» дастурини тайёрлаш бўйича республика комиссияси йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Ушбу дастур аввалги йилларда қабул қилинган "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Қарияларни қадрлаш йили" ва "Обод маҳалла йили" дастурларининг мантиқий давомидир.

Унинг асосий маъно-мазмуни халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда, давлат ва жамиятнинг инсонга бўлган муносабат ва эътиборини янада кучайтиришдан иборат.

Дастур устувор масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, муҳтож бўлган, кам таъминланган тоифалар, оила ва инсонларга кўмак бериш, бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш;

ногиронларга, қаровчисиз қолган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга, ёлғиз кексаларга ёрдам ва кўмак бериш;

давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг меҳр ва мурувват йўналиши бўйича фаолияти ва масъулиятини кучайтириш;

оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни меҳрибонлик ва мурувват руҳида тарбиялаш.

Меҳр ва мурувват деган улуғ тушунчаларнинг теран маъносини кенг тушунтириш, юртимиздаги ҳар қайси хонадон, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқда маънавий-руҳий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, оилани, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ибратли анъана ва урф-одатларимизни тарғиб этиш вазифаси ҳам дастурнинг мақсадига киради.

"Меҳр ва мурувват йили" дастури доирасида:

умумтаълим мактабларининг 616,5 минг нафар 1-синф ўқувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, шунингдек, махсус мактаб-интернатлар, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини, кам таъминланган оилаларнинг 2-9 синф ўқувчи – фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш ва шу мақсадда кутубхона фондларини тўлдиришга ажратилаётган маблағларни 1,5 баробар кўпайтириш;

соғломлаштириш оромгоҳларида 170 минг нафар бола, шу жумладан, кам таъминланган оилалар фарзандларининг бепул дам олишини таъминлаш;

кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини бюджет ҳисобидан қишки кийим-бош билан бепул таъминлашни кучайтириш мақсадида ажратилаётган маблағлар миқдорини 1,2 мартага кўпайтириш;

республикадаги 93 та «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатлар биноларини, 46 та "Мурувват" ва "Саховат" уйларини ҳамда ижтимоий таъминот муассасаларини капитал таъмирдан чиқариш;

санаторийлар, шифохоналарда 32 минг нафар пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийлари саломатлигини тиклаш;

чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолини тиббий-ижтимоий патронаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш сингари қатор амалий тадбирлар белгиланган.

Дастурни амалга оширишнинг умумий харажатлари 354 миллиард сўм, шу жумладан 250 миллиард сўм Давлат бюджетининг 2004 йилга мўлжалланган маблағларидан иборат.

Дастурда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан муайян ҳудудга хос бўлган муаммолар ва имкониятлардан келиб чиқиб амалга оширилиши кўзда тутилган, эътиборга лойиқ ишлар ҳам ўз аксини топган.

Мазкур тадбирлар юртимизда бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатлилик, фуқаролараро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришга, ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Бу эса янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги мақсад ва интилишларимизни рўёбга чиқариш учун муҳим омил бўлади, изчил амалга оширилаётган ижобий ишларимизни янги босқичга кўтариш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, дастур замирида жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги керак, деган эзгу ғоя мужассамдир.

## Деҳқоннинг шаҳардаги биродарлари

*Бугунги кунда «Тошкент трактор заводи» давлат акционерлик жамиятининг довруғи хорижий мамлакатларда ҳам анча машҳур. Айниқса, бу ерда кейинги уч-тўрт йилда турли русумдаги тракторлар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Қолаверса, жамиятда ҳозир Хитойнинг BV-304-2 маркали мини тракторлари ҳам йиғилмоқда. Бу тракторларнинг харидори ҳам кўпайиб қолди. Айниқса, фермер хўжаликлари учун бу техника жуда қулай. Шу туфайли давлат корхоналари раҳбарлари билан бир қаторда хусусий тадбиркорларнинг ҳам қадами узилмай қолди бу ердан. Ахир, техника нафақат деҳқоннинг, тадбиркорнинг ҳам қаноти-да. Умуман, завод ишчиларини деҳқонларнинг шаҳардаги биродарлари, дейишади. Бу гапда жон борлиги ушбу суратлардан ҳам яққол кўриниб турибди.*





**СУРАТЛАРДА: 31-йиғув цехи слесари Шерзод Бўронов; жамиятда тайёр бўлган мини тракторлар ёш мутахассислар ўқувига жўнатилмоқда.**

**Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.**

***Парижда Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.***

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Комиссия ҳамраиси, Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Э.Ғаниев республикадаги иқтисодий вазият, халқаро молиявий муассасалар билан ҳамкорликнинг ривожланиши, мамлакатда сармоявий муҳитни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида мажлис иштирокчиларига ахборот берди.

Франция томони Ўзбекистон ҳукуматининг иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишни давом эттиришга қаратилган, хусусан, савдо, банк ва маъмурий тизимларни, қишлоқ хўжалигини эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Томонлар ўзаро муносабатлар аҳволи ва истиқболлари бўйича фикр алмашдилар, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришни рағбатлантириш зарурлигини таъкидладилар, аниқ ижтимоий аҳамиятга молик, хусусан, халқаро муассасалар билан биргаликда молиялаштириш шартлари асосидаги лойиҳаларни муҳокама этдилар, молия ва божхона соҳасини тартибга солишда икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида муассасалараро ҳамкорликни чуқурлаштиришга келишдилар. Ҳукуматлараро комиссия мажлисининг натижаларига кўра қўшма протокол имзоланди.

Парижга ташриф чоғида Ўзбекистон ҳайъати раҳбари Э.Ғаниев Франция Ташқи ишлар давлат котиби Р.Мюзелье томонидан қабул қилинди. Суҳбат чоғида Р.Мюзелье икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун сиёсий ирода ва иқтисодий шарт-шароитлар мавжудлигини таъкидлади. Шу билан бирга, Э.Ғаниевнинг Франция ташқи савдо масалалари бўйича ваколатли вазир Ф.Лоосо, қатор етакчи француз компания ва ташкилотлари раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ҳайъати Франция тадбиркорлари ҳаракати (МЕДЕФ) қароргоҳида ўтказилган Ўзбекистон ва Франция тадбиркорларининг қўшма бизнес-семинарида иштирок этдилар.

**"Жаҳон" АА.**

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Франциянинг Афғонистонда хавфсизликка кўмаклашиш халқаро кучлари (ISAF) таркибидаги контингенти ва Тожикистондаги француз ҳарбий-транспорт бўлинмаси учун Франция Мудофаа вазирлиги юкларини ташиш бўйича чартер қатновларини бошлади.

## Янги ҳаво кўприги

Биринчи қатновни Шатору-Дело шаҳри аэропортидан учган мазкур компанияга қарашли "Ил-76ТД" самолёти амалга оширди.

Таъкидлаш жоизки, авиакомпаниямизнинг Франция юк ташиш бозорига кириши келажак учун яхши истиқболларни очмоқда. Шу ўринда Франция томонининг дунёдаги бошқа минтақаларда ҳам юк ташишни бажаришга "Ўзбекистон ҳаво йўллари"ни жалб этишга қизиқиш билдираётганини айтиш мумкин.

**"Жаҳон"АА.**

## Дарсликлар лотин алифбосида

*Анжуман*

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва «Истеъдод» жамғармаси томонидан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида «Лотин алифбосида дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратиш масалалари»га бағишланган семинар ўтказилди.

Семинарда Давлат таълим стандартларига ва намунавий ўқув дастурларига мос замонавий дарсликлар ва ўқув адабиётларни тайёрлашга жалб этилган олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Унда дарслик ва ўқув қўлланмаларининг таълим сифатини оширишдаги ўрни, лотин алифбосида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш ҳамда чоп этишнинг бугунги кундаги ҳолати ва амалга ошириладиган ишлар ҳақида фикр алмашилди. Бундан ташқари, электрон дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва маъруза курслари яратиш масалалари ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Маълумки, 2005 йилнинг сентябридан бошлаб олий таълим жараёнида лотин алифбосида ёзилган ўқув адабиётлари тўлалигича қўлланила бошлайди. Шу боисдан режалаштирилган муддатгача дарсликлар ва ўқув адабиётларини лотин алифбосида чоп этишдек долзарб масала билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақида келишиб олинди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов иштирок этди.

**М. ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Хабар қилинганидек, Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлисида мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.***

***Қуйида ушбу кенгаш йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.***

*БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖИ:*

## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Дастлаб 2003 йил 4 июнь куни ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилиши баёнининг бажарилиши юзасидан болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг ҳисоботи тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йилги бюджети ижроси ва 2004 йил бюджет лойиҳаси тўғрисида, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев ва Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидовнинг мазкур вилоятларда болалар спорти иншоотларини барпо этиш дастурининг бажарилишига оид ахборотлари маълумот учун қабул қилинди.

Мажлисда 2003 йилга мўлжалланган иш режаси асосида ўтган йил давомида режадаги 85 та ўрнига 130 та спорт иншооти қурилиши ва таъмирланиши бошланиб, шундан 105 таси фойдаланишга топширилгани қайд этилди.

Ўтган йили 12,2 миллиард сўм ҳамда 2,6 миллион АҚШ доллари жамғарма ҳисоб рақамига туширилгани, бундан ташқари, ҳомийлар ҳисобидан 22,5 миллиард сўмдан ортиқ ҳажмда қурилиш, қайта таъмирлаш ишлари ҳамда хизматлар бажарилгани кўрсатиб ўтилди. Республикада спорт турлари бўйича 2,8 мингта спорт секцияси ташкил этилиб, уларга 85 мингдан ортиқ бола жалб қилинди.

2003 йилда Хоразм вилоятида "Умид ниҳоллари" ва Андижон вилоятида "Баркамол авлод" ўйинлари юксак савияда уюшқоқлик билан ўтказилди. Бу, ўз навбатида, болалар спортининг янада оммавийлашуви ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Оммавий спорт тарғиботини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон телерадиокомпаниясида "Спорт" телеканали 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб мунтазам фаолият кўрсата бошлади. Жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқилган спорт кийимлари ҳамда спорт пойабзаллари намуналарининг доимий ҳаракатдаги ярмарка-кўргазмалари ташкил этилди.

Шунингдек, мажлисда ҳомийлик кенгаши томонидан болалар спортини ривожлантириш борасида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетининг даромад қисми 3,1 миллиард сўмга бажарилмаган. Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудий жамғармалари бюджетларининг даромад қисми бажарилмагани, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент, Жиззах ва Фарғона вилоятларида қурилиш ишлари кеч бошланганлиги туфайли режалаштирилган янги иншоотлардан 6 таси фойдаланишга топширилмагани қайд этилди.

Болалар спортини ривожлантиришни ташкил этиш масаласи бўйича аксарият қишлоқ жойларидаги умумий таълим мактабларида аҳвол мутлақо қониқарсиз эканлиги, айниқса, Навоий вилоятидаги айрим қишлоқ мактабларида спорт майдончалари йўқлиги, спорт анжомлари билан таъминлаш қониқарсизлиги, малакали спорт мураббийларининг етишмаслиги, вилоят ва халқ таълими ҳудудий бошқармалари раҳбарияти эса бу масалаларни ҳал қилишдан ўзини четга олаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари қишлоқ мактабларида болалар спортини ривожлантиришнинг моҳияти ва аҳамиятига ҳанузгача етарли эътибор қаратмаётгани, туманлар ва шаҳарларда болалар спорти учун масъул етакчи мутахассисларнинг аттестацияси қониқарсиз ўтказилгани таъкидланди. Хусусан, Сирдарё вилоятининг Янгиер, Тошкент вилоятининг Зангиота, Наманган вилоятининг Уйчи, Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманлари етакчи мутахассислари аттестациядан ўтганидан кейин 2-3 ой ўтар-ўтмас ишдан бўшаб кетган.

(Давоми 2-бетда).

## Интернет — ҳамма учун

Қарши шаҳридаги 15-ўрта мактаб ўтган йили АҚШнинг IREX ташкилоти томонидан «Ўзбекистон мактабларида интернет» дастури бўйича ўтказилган танловда



ғолиб чиқиб, интернет тармоғидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган эди.

Ана шу имкониятдан нафақат ўқувчиларни, балки маҳаллалардаги қизиқувчиларни ҳам баҳраманд этиш учун «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди.

**Н. РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

## БОЛАЛАР СПОРТИ РИВОЖИ:

# ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Кичик ва ўрта ёшдаги қизларни оммавий спортга жалб этиш масаласи талаб даражасида эмас. Жойлардаги айрим мутасадди раҳбарлар бу ишга юзаки қарамоқда, маҳаллалардаги спорт майдончалари негизида турли спорт секциялари тузилишига кўмаклашиш ва оилавий спортни ривожлантириш билан боғлиқ ишлар мунтазам олиб борилмаяпти.

Мажлисда таъкидланганидек, фойдаланишга топширилаётган болалар спорти иншоотларининг техник-эксплуатация ишларини ташкил қилиш масаласига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Қишлоқ жойларидаги мавжуд спорт муассасаларининг базасини кучайтириш ишлари қониқарсиз аҳволда, спорт инвентарлари билан жиҳозлаш масаласи кўп жойларда ўз ечимини топаётгани йўқ.

Жамғарманинг валюта ҳисоб рақамида 2,5 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда маблағ бўлгани ҳолда, спорт иншоотлари учун зарур жиҳоз ва анжомлар харид қилиш ишига ҳалигача киришилмаган.

2004 йил дастурини шакллантиришда жамғарма раҳбарияти ўзибўларчиликка йўл қўйгани, натижада жорий йилда янгидан куриладиган ва таъмирланадиган кўпгина спорт иншоотларининг лойиҳа ҳужжатлари ҳанузгача тайёрланмагани, бу иншоотлар бўйича танлов савдолари ўтказилмагани қайд этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Жамғарма бошқаруви раиси А.Мирқосимовнинг 2003 йилда болалар спортини ривожлантириш ва бу мақсадларга ҳомийлар маблағларини жалб қилишдаги бажарган ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди, деб топилди ҳамда 2004 йил дастурига киритилган қуриладиган ва таъмирланадиган спорт иншоотларининг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, танлов савдоларини ўтказиш ва иншоотларни ўз вақтида топширишга уларнинг шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йил дастури ва бюджетининг ижроси ҳамда 2004 йил дастури ва бюджети тасдиқланди.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳомийлик кенгашлари раисларининг дастурдаги болалар спорти иншоотларининг ўз вақтида қурилиши, таъмирланиши ва самарали фойдаланилишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилди. Уларга лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда танлов савдоларида йўл қўйилган камчиликларни январь-февраль ойларида бартараф этиб, кечи билан март ойида дастурга киритилган барча янги спорт иншоотларида қурилиш ишларини бошлаш вазифаси топширилди.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳомийлик кенгашлари раисларига 10 кун муддат ичида жойларда ҳомийлик кенгаши мажлисида қўйилган вазифаларни бажаришга бағишланган йиғилишлар ўтказиб, болалар спортини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини тасдиқлаш тавсия этилди.

Мазкур дастурларда, аввало, қишлоқ жойларидаги спорт иншоотлари бўлмаган мактабларни аниқлаш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш, спорт инвентарлари билан жиҳозлаш, бу ишга ҳомийлар маблағларини кенгроқ жалб этиш, спорт секцияларини малакали кадрлар билан таъминлаш, мактаблар атрофини ҳашар йўли билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мавсумий спорт майдонларини қуриш, болалар спортини оммалаштириш, маҳаллаларда оилавий спорт мусобақаларини доимий равишда ўтказиш, қизларни спортнинг енгил атлетика, гимнастика, сузиш, теннис, стол тенниси каби секцияларига кенгроқ жалб этишга оид масалаларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги уқтирилди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари раҳбарларининг қишлоқ мактабларида болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш учун шахсан масъул эканлиги таъкидлаб ўтилди.

2004 йилнинг биринчи ярми натижалари бўйича Ҳомийлик кенгашининг мажлисида болалар спортини ривожлантиришда айрим шаҳар ва туман ҳокимларининг ҳисоботи эшитилиши белгилаб қўйилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимовга биринчи чорак якуни бўйича туман ва шаҳарларда болалар спортини ривожлантириш учун масъул етакчи мутахассисларнинг фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, нолойиқ шахслардан воз кечиб, малакали ва фидоий кадрларни топиш ҳамда жой-жойига қўйиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига ҳомийлардан тушиши белгиланган миллий ва эркин муомаладаги валюта маблағларининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгиланган тушумларнинг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлиги таъкидланди.

Молия вазири М.Нурмуродов зиммасига барча қурилиш ишларини жамғарманинг тасдиқланган бюджети асосида ўз вақтида молиялаштириш, кўзда тутилган ҳаражатларнинг белгиланган миқдорда ва мақсадли сарфланишини назорат этиш ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Мирқосимов) билан биргаликда бир ой муддатда республика бўйича фойдаланишга топширилаётган болалар спорти иншоотларида техник-эксплуатация ишларини ташкил қилиш юзасидан аниқ қўлланмаларни жорий қилиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаевга Андижон вилоятида барпо этилган коллеж ва лицейлар ҳамда уларнинг қошидаги замонавий спорт иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш борасидаги тажрибаларни ўрганиш ва амалий фаолиятда қўллаш мақсадида тегишли раҳбарлар ва мутахассислар учун республика семинар-кенгашларини ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, А.Азизхўжаевга икки ой муддатда Халқ таълими вазирлигининг қишлоқ мактаблари моддий-техникавий базасининг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиб, унинг натижаларига кўра, вазирлик ҳамда ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг жавобгарлиги ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Навоий вилоятида болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, умумий таълим мактабларининг аҳволи, уларнинг спорт анжомлари билан таъминланиш даражаси ҳақидаги ҳисобот вилоят ва туман халқ таълими раҳбарлари ҳамда мактаб директорлари иштирокида кўриб чиқилади ва тегишли чоралар белгиланади.

Болалар спорти иншоотларини малакали спорт мураббийлари ва услубий қўлланмалар билан таъминлаш, спорт мураббийларининг малакасини ошириш дастурлари кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Марказда ва жойларда болалар спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларининг кўргазмалари ташкил этилганлигини эътиборга олиб, "Ўзбекенгилсаноат" компаниясига (А.Баҳромов) ва "Ўзбекчармпойабзали" уюшмасига (Э.Холмуродов) ана шундай маҳсулотларни замон талаблари даражасида ишлаб чиқариш ва уларни арзонлаштирилган нархларда истеъмолчиларга етказиб бериш чора-тадбирларини кўриш вазифаси юклатилди.

"Ўзтелерадиокомпания" (А.Кўчимов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шоғуломов) ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (М.Ҳазратқулов) болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни кенг ёритиш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш тавсия этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг 2004 йил иш режаси тасдиқланди.

**(ЎзА).**

# МАДАНИЯТ янгиликлари

## "Соната"нинг Берлиндаги парвози

Дунёда таржимонларсиз тушуниладиган, ҳис қилинадиган ягона тил — бу мусиқа ва рақсдир. Навоий шаҳри "Фарҳод" маданият саройи ҳузуридаги "Соната" эстрада рақс дастасини ҳамма билади. Ёш йигит-қизларнинг бир-биридан жозибали рақсларини томоша қилсангиз, дилингиз ором олади. Даста бир қатор чет давлатларда ҳам ўз санъатини намойиш этган.

Таниқли балетмейстр Маргарита Харитонова раҳбарлигида ёш рақсчилар Германиянинг Берлин шаҳрида қирққа яқин мамлакатлар ёш ижрочилари иштирокида бўлиб ўтган халқаро форумда катта муваффақият қозонди. "Рақс олимпиадаси"да биринчи ўринни эгаллаб, кубок эгаси бўлишди.

**А. ПИРМАТОВ,**
***"Халқ сўзи" мухбири.***

## Ўн тўрт йил ёзилган китоб

Таниқли шоир Турсунбой Адашбоевнинг номи китобхонларга яхши таниш. Унинг, айниқса, ёш китобхонлар орасида мухлислари кўп. Зеро, шоир ижодининг асосий мундарижасини болаларга муносиб асарлар ёзиш ташкил этади. Яқинда пойтахтимиздаги "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Турсунбой Адашбоевнинг "Орзуларим - қўш қанотим" деб номланган китобини нашрдан чиқарди.

Янги китобда шоирнинг юртимиз мустақилликка эришгандан кейин — ўн тўрт йил мобайнида ёзган шеърлари киритилган. Ундаги барча шеърларнинг лотин алифбосида босилгани эса ўқувчиларга муносиб туҳфа бўлиши тайин.

## Хайрия

Куни кеча пойтахтимиздаги Ҳамза номли мусиқа коллежида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва "Бизнинг Ўзбекистон" болалар уйлари тарбияланувчилари уюшмасининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликда "Меҳр ва мурувват йили"га бағишланган хайрия концертини ташкил этди. Бу концертда "Золотые ворота" мусиқа-камер театри, "Орфей" студияси, маданият институти талабалари ҳамда болалар мусиқа мактаби ўқувчилари қатнашди.

Тадбирда "Бизнинг Ўзбекистон" болалар уйлари тарбияланувчилари уюшмасининг фаол аъзолари, ўсиб келаётган ёшларни тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшганлиги учун махсус "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг дипломи билан тақдирландилар.

**Камола МИРЗААҲМЕДОВА,**
***"Халқ сўзи" мухбири.***

## Кўргазма кўргазмаларга уланмоқда

Ўзбекистон Бадиий академияси замонавий санъат марказида "Кала" Ўзбекистонда" деб номланган кўргазма намойиши давом этмоқда. Америка Қўшма Штатларининг республикамиздаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кўргазма Калифорния штатидаги "Кала" санъат институтининг 30 йиллигига бағишланган. Шу боис, кўргазмадан асосан, бу институтни тамомлаган истеъдодли ижодкорларнинг графика йўналишидаги 60 дан ортиқ асарлари ўрин олган. Кўргазма Ўзбекистон ва Америка рассомлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликда муҳим қадам деб баҳоланмоқда.



Куни кеча марказда яна бир кўргазма иш бошлади. Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент Фото уйи, Тамарахоним музейи ташкилотчилигидаги навбатдаги кўргазма "Янги йил калейдоскопи" деб номланади. Ундан Хитой, Корея, Япония, Монголия ва Вьетнамда яшаб, ижод этаётган ижодкорларининг фотосурат, графика ва амалий-безак санъати асарлари ўрин олган.

**С. МУҚИМОВ.**

# Банк сири — ишонч гарови

***Бугуннинг устувор вазифаларидан бири бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, унинг кучли инфратузилмасини яратишдан иборатдир.***

***Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Банк сири тўғрисида"ги Қонун мамлакатимиз банк тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, банкларга нисбатан фуқаролар ишончини мустаҳкамлашга, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини тўлақонли ҳимоя этишга хизмат қилади.***

Ушбу Қонунга қадар мамлакатимизда "Марказий банк тўғрисида"ги, "Банк ва банклар фаолияти тўғрисида"ги қонунлар мавжуд бўлиб, улар банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган эди. Бироқ ҳар иккала қонун моддаларида банкда маблағлар мавжудлиги ва мижозлар амалга ошираётган операциялар тўғрисидаги маълумотларнинг сир сақланиши масаласи тўлиқ ифода этилмаган эди. Биргина "Банк ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасида "...банклар томонидан мижозлар амалга ошираётган операциялар, уларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлар тўғрисидаги маълумотларни сир сақлашнинг мажбурийлиги белгилаб қўйилди..." Таъкидлаш жоизки, бозор муносабатларининг ҳали очилмаган қирралари ва иқтисодиётимизда вужудга келган вазият банк сирининг муҳофаза этилишини янада такомиллаштириш учун мукаммал қонун қабул қилиш зарурватини келтириб чиқарди.

Банк мижоз сирини қаттиқ сақлашдан ташқари, унинг ишлаш механизмини ҳам муҳофаза этиши шарт. Ҳар қандай давлатда банк тизимининг у ёки бу усулда мижоз тўғрисидаги маълумотларнинг сир сақланиши, аввало, қонунчиликнинг қай даражада мустаҳкамлигига боғлиқдир.

Табиийки, мижоз бирор-бир банкни танлашида, ўзи томонидан қўйилаётган маблағнинг нечоғли сир сақланишини билиши, хоҳлаган пайтида қайтариб олиш имкониятига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Мижоз ва унинг пули, мол-мулки ҳамда бошқа маълумотлар сир сақланишининг қатъий кафолатлари туфайли Швейцария банклари жаҳонда етакчи ўринни банд этиб келмоқда.

Банк сирини сақлаш масаласи деярли барча давлатлар қонунида у ёки бу кўринишда ифода этилган. Мисол учун, Германияда ҳам банк сири ўта муҳим масала ҳисобланади. Ушбу давлат қонунчилигига кўра, банк ходими мижоз томонидан қўйилган пул маблағлари ёки бошқа маълумотларни бировга беришга ҳақи йўқ. Банкдан мижоз тўғрисидаги маълумотларни олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар розилиги, биринчи

**Қонун ва ижро**

галда, суднинг санкцияси бўлиши лозим. Прокуратура томонидан эса, мижоз фаолиятида шубҳа аниқ ва асосли тасдиқланган тақдирдагина санкция берилади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, банк сирининг чегараланиши давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий маданиятига ҳамда мамлакат иқтисодиётига акс таъсир этиши ҳам мумкин. Айтайлик, Германияда солиқ хизмати ходимлари танлов асосида ҳусусий омонатчиларнинг ҳаракатлари юзасидан текширув ўтказдилар. Давлат молия институтлари зиммасига эса, банк сирларини чегаралаш юзасидан керакли қарорлар қабул қилиш мақсадида, катта миқдордаги ҳаракатлар амалга оширилаётганлиги юзасидан ахборот бериб туриш тўғрисида мажбурият юклатилди. Оқибатда маълум бўлдики, немис амалиётчиларининг ҳисоб-китобларига кўра, ушбу давлат фуқаролари ҳозирги кунда 350 млрд. еврони ташқи банкларда сақлаётган эканлар.

Ана шу нуқтаи назардан, тажриба ва таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда қабул қилинган "Банк сири тўғрисида"ги Қонунда биринчи навбатда тадбиркорлар ва банк мижозларининг маълумотларини муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, Қонуннинг 3-моддасида банк ўз мижози тўғрисидаги, унинг операциялари, ҳисоб варақлари ва омонатларига, банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусиятлари ва қиймати, у банкда амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлари, банк сирини ташкил этувчи бошқа барча маълумотларни муҳофаза қилиши назарда тутилади.

Таъкидлаш жоизки, Қонундан кўзда тутилган мақсад мижозларнинг банкларга ишончини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу ишончнинг пайдо бўлиши ҳамда муттасил мустаҳкамланиб бориши ўз навбатида иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига таянч бўлади.

Бироқ кузатишлар ва таҳлиллар, мижозларнинг банкларга нисбатан ишончи суст шаклланаётганини кўрсатмоқда. Масалан, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Бош прокуратура ҳамкорлигида тадбиркорлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига қараганда, эркин фикр билдирувчилар асосан банкларда муаммолар мавжудлиги, банк мижоз учун эмас, мижоз банк учун хизмат қилаётганини билдиришган.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан ўтказилган "Давлат органларидан қайси бири тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга кўпроқ тўсқинлик қилмоқда?" деган ижтимоий сўровда 1487 тадбиркордан 522 нафар(35,1 фоиз)и банк билан муомалада муаммолар борлигини таъкидлаган.

Кўриниб турибдики, банк ходимлари мижозлар ишончини қозониш учун амалдаги қонунчиликни, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини пухта эгаллашлари, хизмат кўрсатиш соҳасини кун сайин такомиллаштириб боришлари лозим.

**Ғофуржон ЎРИНБОЕВ,**
**республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси юридик хизмат бўлими бошлиғи.**



*Учқўрғон тумани меҳнаткашлари жорий йилда 12840 гектар майдонда пахта, 5347 гектарда эса ғалла етиштиришни режалаштиришган. Эътиборлиси, ҳосил чўғини пахтадан 40, ғалладан эса 70 центнерга етказишмоқчи. Ана шу мақсад йўлида туманда қишки дала ишлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини мавсумга тайёрлаш қизғин олиб борилмоқда.*

**СУРАТДА: туман ҳокимининг ўринбосари Абдуллажон Жўраев ва «Учқўрғон» ширкат хўжалиги механизатори Нурматжон Нозимов қишки дала юмушлари хусусида маслаҳатлашмоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

**Биржа тизими**

*Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида биржаларнинг ўрни катта. Негаки, иқтисодиёт юксала борган сари биржа ҳам кенгайиб, у билан чамбарчас боғланиб кетади.*

*Иқтисодиётдаги ҳар бир ўзгариш эса биржалар фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.Буни иқтисодий салоҳияти юқори, ривожланган мамлакатларда ҳар куни кузатишимиз мумкин.*

*Бизнинг мамлакатимизда ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан биржалар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинганлиги, 2003 йил 4 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қарори чиққанлиги бунинг исботидир.*

# Мулк ҳақиқий эгасини топмоқда

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, 2003 йилда ҳукуматимизнинг ваколатли органи — Давлат мулки қўмитаси томонидан замон талабларига жавоб берадиган биржаларга ўз фаолиятларини юритиш учун тегишли лицензиялар берилди.

Биринчилардан бўлиб лицензия олган, жорий йилнинг апрель ойида 10 йиллигини нишонлайдиган республика Кўчмас мулк биржасида ўтган йил мобайнида, айниқса, савдолар баракали бўлди.

Хусусан, Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан очиқ савдоларга қўйилган 8687 та давлат объекти бўйича (уй-жой қуриш учун умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи билан ер майдонлари ҳисобга олинган ҳолда) жами 8723,26 млн.сўмлик битимлар тузилди. Давлат объектлари бўйича сотув ҳажмининг йиллик ўсиши 2002 йилдагига нисбатан 139,4 фоизни ташкил этди.

Ўтган йили шунингдек, биржада 5226 та нодавлат объекти бўйича (иккиламчи бозор) жами 14736,65 млн.сўмлик битимлар амалга оширилди, сотув ҳажми 166,6 фоизга ортди.

Янги ташкил этилган очиқ савдоларда 12479 та объект жисмоний шахсларга 9613,06 млн.сўмга сотилди. Бу умумий сотилган объектларнинг 89,7 фоизига тенг. Жисмоний шахсларга сотилган объектларнинг сотув ҳажми эса 2002 йилдагига нисбатан 168,8фоиз кўпайди.

Ҳукуматимиз томонидан 2003 йил 26 августда қабул қилинган «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, бугунга қадар биржа савдоларига жами 280 та объект қўйилган.

Албатта, биржа савдоларида нархи босқичма-босқич пасайувчи объектларга маҳаллий ва хорижлик сармоядорларнинг қизиқиши сезиларли даражада ортгани аҳамиятлидир. Бунга ҳозиргача бўлган биржа савдоларида 125 та объект ўз эгасини топганлиги далил бўла олади.Жами бошланғич баҳоси 883,3 млн.сўмлик, қолдиқ баланс қиймати 456,7 млн.сўмга тенг ушбу объектлар 806,4 млн. сўмга сотилди.Ёки бўлмаса,ўз харидорини топган ана шу объектларнинг ўртача сотилиш нархи уларнинг қолдиқ баланс қийматига нисбатан 176 фоизни ташкил этди.

Ҳозирги кунда РКМБ савдоларига мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жойлашган ижтимоий инфратузилма — соғлиқни сақлаш тизими мулклари, ошхона, дўкон ва омборхона бинолари, маданият саройи каби халқ хўжалиги тармоқларига тегишли кўчмас ва бошқа объектлар чиқарилган бўлиб, улар тадбиркорларни қизиқтирмоқда.

Айтиш мумкинки, ўтган йили Кўчмас мулк биржаси муайян ютуқларни қўлга киритиб, хусусийлаштириш жараёнларига ҳисса қўшибгина қолмасдан, балки мулк эгаси бўлиш, юртимиз равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш ниятида юрган минглаб юртдошларимизнинг эзгу орзулари рўёбга чиқиши йўлида сифатли биржа хизматини кўрсатишга эришди.

Биржада биржа хизматини такомиллаштириш билан боғлиқ истиқболдаги ишлар ҳам етарли.- Жойларда брокерлар фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари тармоқларини кенгайтириш шулар сирасига киради.

Булардан ташқари, авалги йилда бошланган биржа савдолари бўйича марказлашган хизматлар мажмуасини яратиш ва амалга оширишни ниҳоясига етказиш лозим.

Мақсад кўчмас мулклар савдоси иштирокчиларига бир жойнинг ўзида воситачилик, брокерлик, дилерлик хизматларидан ташқари биржа қошидаги ҳуқуқий ва нотариал, банк, молия, баҳолаш, консалтинг ва бошқа ихтисослашган тузилмалар хизматидан ҳам кенгроқ фойдаланган ҳолда республикамиз ва хорижлик сармоядорларга самаралироқ хизмат кўрсатишни ташкил этишдир.

Демак, 2004 йилда ҳам юртимизда фаолият кўрсатаётган барча ишбилармон ва тадбиркорлар кўчмас мулклар бозорида Кўчмас мулк биржасининг сифатли хизматидан фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

**А. ИМИНОВ,**
**«Ko'chmas mulk axborot markazi» директори, техника фанлари номзоди.**



## Таълим ва ташаббус

***Иқтидорли, истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи. Кейинги йилларда фарзандларимизнинг шундай фазилатлари тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Бу эса давлатимизнинг таълим соҳасидаги оқилона сиёсати натижасидир.***

***Мактаб ўқувчилари орасидан аълочи, иқтидорлиларни кўпайтириш, зукколик, зийраклигини ўстириш, билимдонликка қизиқиш уйғотишнинг йўллари кўп. Улар орасида махсус стипендияларнинг ҳам ўз йўриғи бор. Навоий вилоятидаги бир қатор давлат, жамоат ташкилотлари, тадбиркорлар ўз стипендияларини жорий этишгани амалда ижобий натижаларини бераяпти.***

# Рағбат — иқтидорга қанот

— Юртимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва унинг самарадорлигини жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда ёшлар камолоти йўлида ҳеч нарсани аямаслик, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш фақат наф келтиради, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси услубшуноси Хуррамтош Бўронова. — Кузатишларимиздан маълумки, иқтидорлилар рағбатлантирилаётган мактабларда аълочилар сафи кўпайиб бормоқда. Биргина мисол: Навоий кон-металлургия комбинатининг шимолий кон бошқармаси Учқудуқ туманидаги 5 та мактабнинг 5 нафар аълочи ўқувчисига ҳар чоракда 5 минг сўмдан стипендия ташкил этган эди. Орадан кўп вақт ўтмай мукофотлар сонини 115 тага етказишга тўғри келди. Рағбатнинг кучини сезган шу тумандаги 3-гимназия ўқувчиларининг ота-оналари ҳам «Иқтидорли ўқувчига» стипендиясини жорий этишди. Стипендиатларнинг фан олимпиадалари, турли кўрик-танловлар, мусобақаларда эришаётган ютуқларини кўриб қувонасан, киши.

Конимех туманининг Абай номли ширкат хўжалиги 11-мактаб ўқувчиларидан 10 нафарига ҳар чоракда 3 минг сўмдан стипендия беради. Улар орасидан ҳам энг билимдони машҳур чўпон, Меҳнат Қаҳрамони Нортой Бердиев мукофотини қўлга киритиши мумкин. Узоқ йиллар қўй боқиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган отахон ҳар ўқув чораги якунида мактабга ташриф буюради, аълочи ўқувчига ўз қўли билан 20 минг сўм тақдим этади. Ва «келажак ўқиганники, билимдонники» дейишдан асло чарчамайди.

— Илмий салоҳиятни юксалтириш иқтидорли ва истеъдодли кадрлар сонини кўпайтириш, мустақил мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган комил инсонларни етиштириш бугунги куннинг энг катта, энг улуғ вазифаларидан биридир, — дейди Кармана туманидаги Раҳим Исмоилов номли фермер хўжалиги бошлиғи Маҳмуд Исмоилов. — Иқтидорлиларга эса эътибор жуда зарур. Хўжалигимизнинг соф фойдаси ҳисобидан Файзулла Хўжаев номли мактаб аълочиларини мукофотлаб бораётганимизга анча бўлди. Дастлаб 3 ўқувчини рағбатлантирдик. Сал орада аълочилар сони кўпайиб кетди. Стипендиялар сонини чеклаб қўйишга ҳожат қолмади. Иқтидорлилар кўпайган сари мукофотлар сонини ҳам ошириб бораяпмиз.

Дунёда яхши одамлар кўп. Улар доим эзгу ишлар бошида туриб, яхшилик қилиш нияти билан яшайди. Ўзидан орттирганини фақат савоб ишларга сарфлайди. Конимехлик тадбиркор Али Шукуров шундай инсонлардан бири. У «Халқлар дўстлиги» номли 2-мактабнинг икки ўқувчисини ҳар ўқув чорагида 25 минг сўмдан мукофотлаб турибди.

Шу тумандаги «Сарибел» ширкат хўжалиги 5,-40-мактабларнинг ҳар бирига 10 тадан стипендия ажратган бўлса, Томди туманидаги «Жана чорва» ширкат хўжалиги 7,-22-билим даргоҳларидаги ўқувчиларни рағбатлантириб боришни канда қилган эмас. Хатирчи туманидаги 20-мактаб маъмурияти ўзлари ишлаб топган сармоя ҳисобидан шундай имконият яратган.

Ш. Рашидов хайрия жамғармаси вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Зарафшон шаҳар бўлими каби нодавлат, нотижорат ташкилотларининг совринлари ҳам иқтидорлиларга қанот бағишлаяпти, дейиш мумкин.

Агар ўқувчи рағбат кўрса, фан асосларини янада чуқурроқ эгаллашга интилади. Тенгдошлари ҳам унга тенглашишга ҳаракат қилади. Қарабсизки, иқтидорлилар сафи кенгайиб бораверади. Бу жараён эрта-индин қувончли меваларини бериши, шубҳасиз.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**








Футбол

## «Нефтчи» чемпионлар лигаси ўйинларига тайёрланмоқда

Мамлакатимизнинг энг номдор футбол жамоаларидан бири «Нефтчи» айни кунларда яқинда старт оладиган Осиё чемпионлари лигаси ўйинларига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Маълумки, мамлакатимизнинг 5 марта чемпиони, 6 марта кумуш медаль соҳиби мазкур ўйинларда Эроннинг «Сепахон»,«Қувайтнинг «Ал-Араби», Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоаларига қарши тўп суради.

Жамоа дастлабки тактик ўқув машғулотларини Бирлашган Араб Амирликларида ўтказди. Янги йилдан эса Фарғонадаги ўқув базасида йилнинг дастабки йирик турнирига жиддий тайёргарлик бошланди.

Бош мураббий Юрий Саркисяннинг таъкидлашича, жамоанинг ўтган йилги таркиби асосан сақлаб қолинган. Фақат ҳимоя чизиғини мустаҳкамлаш учун Баҳром Ҳайдаров, Насимбек Шоимов сингари футболчилар жалб этилди.

Фарғонада Қозоғистон чемпионатига тайёргарлик кўраётган Чимкентнинг «Ордабоси» жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Тошлоқ туманининг Марказий ўйингоҳида ўтказилган ўйинда фарғоналиклар ғолиб чиқишди. Учрашув тақдирини Мансур Саидов томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди.

Жамоа чемпионлар лигасига тайёргарликнинг сўнгги босқичини февраль ойининг дастлабки ўн кунлигида ўтказиладиган анъанавий Фарғона вилояти ҳокими кубоги учрашувларида ўташни кўзламоқда.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Агар ҳолсизлансангиз...

***Ажаб дунё экан, ҳар бир фаслнинг ўз хасталиклари бордай гўё. Эътибор берган бўлсангиз, одатда шифокорлар ёз ойларида юқумли ошқозон-ичак хасталикларидан, куз, баҳорда гепатит, қиш фаслида эса шамоллаш, грипп, шунингдек, ботулизмдан эҳтиёт бўлишни тавсия этишади.***

## Огоҳ бўлинг

— Боиси ёз фаслининг айни пишиқчилик даврида хонадонларда қишда истеъмол қилиш учун турли хилдаги мева ва сабзавотлардан консерва маҳсулотлари тайёрланади. Афсус бу юмушни ҳамма уй бекалари ҳам тўғри бажаравермайдилар, — дейди Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази шифокори Каримжон Мамараҳимов. — Натижада ботулизм хасталиги билан оғриш хавфи пайдо бўлади. Бу оғир овқат токсикоинфекцияси бўлиб, беморларнинг марказий нерв тизимининг зарарланиши билан кечади. Хасталик ботулизм таёқчалари токсини билан зарарланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилингандан кейин икки соатдан 15 кунгача бўлган давр мобайнида холсизланиш, нафас олиш, юрак, қон-томир тизимидаги бузилишлар билан бошланади.

**— Хасталикнинг бошланиши фақат рисоладагидек тайёрланмаган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш билангина боғлиқми?**

— Бу микроб одатда овқат маҳсулотларида кислородсиз муҳитда кўпаяди. Фақат консервалардагина эмас, балки сут ва гўшт маҳсулотларида ҳам бўлади. Қизиғи шундаки, ботулизм микроби билан зарарланган овқат маҳсулотларини одам ҳатто оғзига олиб ютмаса ҳам хасталик келиб чиқиши мумкин. Ботулизм таёқчаси ишлаб чиқарган заҳар қонга сўрилади ва одам аъзои баданига кучли таъсир қилади.

**— Ботулизмнинг кечиши қандай бўлади?**

— Бу хасталикка йўлиққан кишининг кўнгли айнийди, кўзи хиралашади. Тана ҳарорати кўтарилади. Қоринда тутиб турадиган оғриқ пайдо бўлади. Бундан ташқари бўйин ва оёқ мушакларининг фаолияти пасаяди. Натижада бемор ҳатто юришга ҳам қийналади. Ботулизмда юрак, қон-томир ва асаб тизими фаолияти кескин издан чиқади. Шу боис агар бемор вақтида шифокорга мурожаат қилмаса, унинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Ботулизмга қарши зардоб беморга фақатгина шифохона шароитида қилинади. Шу сабабдан шифокор келгунга қадар беморга кўп миқдорда суюқлик бериш тавсия этилади. Бу ошқозон-ичак йўлидаги микробларнинг заҳари таъсирини бир мунча камайтиради.

**— Мазкур хасталикдан сақланиш учун нималарга эътибор бериш керак?**

— Уй шароитида тайёрланадиган маҳсулотларни консервалашда асосан санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим. Овқатни сифатли маҳсулотлардан тайёрлаш керак. Улар қанчалик тоза ювилиб, қайнатилса — микробдан ҳоли қилинса, шунча хавфсиз бўлади. Едингизда бўлсин, қопқоғи кўтарилиб қолган консерва ва овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ман этилади. Шунингдек, оилада, хизматда, жамоат жойларида тозаликка жиддий эътибор бериш заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиши, шубҳасиз.

**"Халқ сўзи" мухбири**
**Умида ФАЙЗИЕВА**
**суҳбатлашди.**







ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК УЙ-ЖОЙ ЖАМҒАРМА БАНКИ

**«ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»**

**акциядорлари диққатига!**

**«Ўзуйжойжамғармабанк» кенгаши шуни маълум қиладики, 2004 йилнинг 27 февраль куни соат 16.00да, Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 9-уйда жойлашган «Ўзуйжойжамғармабанк» Меҳнат филиалининг мажлислар залида 2003 йил натижалари бўйича «Ўзуйжойжамғармабанк» акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. *«Ўзуйжойжамғармабанк» фаолиятининг 2003 йил натижалари ва 2004 йил фаолиятининг устивор йўналишлари тўғрисида банк бошқарув раисининг ҳисоботи.*
2. *Банк фаолиятининг 2003 йил натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.*
3. *2003 йил учун банк бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.*
4. *2004 йил учун банк бизнес-режаси, молия истиқболлари ва сармоялар лойиҳасини тасдиқлаш.*
5. *2004 йил учун банк ташқи аудиторини тасдиқлаш.*
6. *Банк кенгаши таркибига киритиладиган ўзгартиришлар.*
7. *Банк тафтиш комиссияси таркибига киритиладиган ўзгартиришлар.*
8. *2003 йил фойдасини тақсимлаш.*
9. *Банк бошқарув раисини тасдиқлаш.*

***2004 йилнинг 28 январь холати бўйича «Ўзуйжойжамғармабанк» акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга. Банк кенгаши акциядорлар ҳамда акциядорларнинг вакилларидан йиғилишга шахсларини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишларини сўрайди. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 15.00дан бошланади.***

*Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 136-03-88, 132-12-93.*

***«Ўзуйжойжамғармабанк» кенгаши.***


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуманноп**
**РАҲИМЖОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоасига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси институт биологик кимё кафедраси мудири, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Талъат Соатовга волидаи муҳтарамаси

**РАҲИМА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ижод дунёси» нашриёт уйи раҳбарияти ва меҳнат жамоаси, «Гулхан» журнали таҳририяти нашриётнинг ҳуқуқшуноси Моила Пўлатовага ҳамда «Гулхан» журнали бўлими муҳаррири Васила Пўлатовага акаси

**Эркин ПЎЛАТОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент геодезия ва картография техникуми жамоаси техникум директори Зоир Халиқуловга волидаи муҳтарамаси

**Ўринхон ая**
**ХАЛИҚУЛОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Архитектура қурилиш институти жамоаси институт касаба уюшмаси раиси, доцент Олим Халиқуловга волидаси

**ЎРИНХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 274. 31749 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир —Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 1 3456